ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 94 (575.152)

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ ШАҲРИ АГЛОМЕРАЦИЯСИ МУАММОЛАРИ

Ш.Т. Саидахматов

Жамият тараққиётида урбанизация жараёни XX асрда жадаллашиб, унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида XXI аср бошларига келиб шаҳарлар тараққиётининг агломерация босқичи илгари кун тартибида бўлмаган муаммоларни келтириб чиқарди. Мақолада мамлакатимизда урбанизация жараёнларининг ривожланиши натижасида шаҳар агломерацияси шаклланишининг хусусиятлари, кўрсаткичлари ва омиллари Термиз шаҳри мисолида таҳлил этилиб, шаҳар иқтисодий тараққиётининг натижалари ва унинг Сурхондарё вилоятида тутган ўрни тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: *урбанизация, агломерация, иқтисод, Термиз, Сурхондарё.*

Процесс урбанизации в развитии общества ускорился в XX веке, в результате его расширения и углубления, к началу XXI века агломерационная фаза развития городов породила проблемы, которые ранее не стояли на повестке дня. В статье анализируются особенности, показатели и факторы формирования городской агломерации в результате бурного развития урбанизационных процессов в нашей стране на примере города Термеза, рассматриваются результаты экономического развития города и его роль в Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: *урбанизация, агломерация, экономика, Термез, Сурхандарья.*

Шаҳар ҳар қандай замон ва маконда ўз даврнинг тимсоли бўлиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг, иқтисодий тараққиётнинг ва маданиятнинг, умуман, барча соҳаларнинг ютуқ ва камчиликларини ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам жамият тараққиётининг тарихий ва замонавий жараёнларини ўрганишда шаҳарларнинг ўрни ва ҳиссаси алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараённи ифодалайдиган "урбанизация" атамаси лотинча "urbs" – шаҳар сўзидан олинган бўлиб, шаҳар турмуш тарзи ва маданиятининг жамият тараққиётидаги ўрнини белгилашда ишлатилади.

Ўзбекистон қадимдан урбанизация марказларидан бири бўлиб, унинг ҳудудида милоддан аввалги II минг йилликда дастлабки шаҳар – Жарқўтон пайдо бўлган [1]. Унинг тарихий давомчиси Термиз шаҳри Сурхондарё вилоятининг маркази бўлиб, Мамлакатимизнинг узоқ ўтмишидан бери ўз хусусиятлари ва кўринишини йўқотмаган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Мазкур шаҳар Ўрта Осиёнинг шаклланиши ва ривожланиши тизимида хилма-хил минтақаларга жойини ўзгартирувчи шаҳарлари сирасига киради. Умуман олганда, Термиз шаҳри юқоридан қараганда ҳудуди учбурчак шаклни эслатувчи катта ҳудудга ёйилган, шимолдаги чегараси Каттақум билан туташган, Амударё ва Сурхондарё орасидаги қурама шаҳардир. Термизнинг қурама шаклдаги кўриниши Ўрта Осиё шаҳарларига хос бўлиб, улар турли ижтимоий-сиёсий муаммолар, шаҳарлар ўртасидаги урушлар, молиявий инқирозлар туфайли ёхуд сув тақчиллиги сабабли ўз ҳудудларини ўзгартиришига тўғри келган [2. Б. 197].

Термиз шаҳри қадимий Бақтриянинг энг ўртасида, ўтмишнинг антик даврларида тарихий номи Ўкуз деб аталмиш Амударёнинг ўнг томонида жойлашган. Анча йиллар олдин ушбу дарёнинг сўл ва ўнг томонида тарихий Бақтрия давлати цивилизацияси пайдо бўлди ва ривожланиш асносида Ғарб ва Шарқ халқлари хилма-хил маданиятларининг бир-бири билан аралашмасини пайдо қилди. Тарих зарварақларида минг шаҳарлар мамлакати деб аталмиш Бақтрия давлатининг кўплаб шаҳарлари ўтмиш қаърига йўл олдилар. Маълум бир ҳудудларгина турли давр

қийинчиликларидан ўтиб, цивилизация натижасида ривожанган масканларга айланди. Мазкур масканлар орасида тарих Термиз шаҳрига Бақтриянинг бошқа бир шаҳарларидан ортиқроқ марҳамат кўрсатди. Қадимги, ўрта асрлар, янги замонда ҳам ушбу шаҳар ўзининг стратегик аҳамиятини сақлаб қолди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида эса Термиз шаҳри янги тараққиёт сари илдамлаётган мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланадиган бўлди [3. Б. 82–84].

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси урбанизация даражаси бўйича жаҳон мамлакатлари рейтингида 130-ўринни эгалласа-да, мамлакатимизда урбанизация жараёнининг замонавий хусусиятлари намоён бўлмоқда [4]. Жамият тараққиётида урбанизация жараёни XX асрда жадаллашиб, унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида XXI аср бошларига келиб шаҳарлар тараққиётининг янги босқичи бутун дунёга ёйилди. Шаҳарлар ўзининг демографияси, ишлаб чиқаришни ташкил этиши, аҳолисининг турмуш тарзи ва маиший маданиятидаги ўзгаришларга боғлиқ тарзда жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис урбанизация ўзига хос тарзда кечувчи жуғрофий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, тарихийлик асосида шаклланади ва ҳудудий меҳнат тақсимотига боғлиқ ривожланади. Кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда шаҳарларнинг, хусусан, катта шаҳар (мегаполис)ларнинг вужудга келиши ва қишлоқ аҳолиси ҳисобига шаҳарликлар сони динамикасидаги кўтарилиш урбанизацияга катта таъсир ўтказади.

Мазкур жараённи ифодалайдиган “агломерация” атамаси лотинча “agglomero” – қўшиламан, йиғиламан маъносини берувчи сўздан олинган бўлиб, шаҳар ва унинг атрофидаги масканларнинг ҳудудий, иқтисодий, ижтимоий бирлашиши жараёнини ифодалайди. Одатда агломерация йирик шаҳар атрофида жойлашган ўрта ва кичик масканларнинг биринчи навбатда умумий иқтисодий ҳаётга эга бўлган ҳудудий бирлашуви асосида шаклланади. Иқтисодий ўсиши барқарор ўлкалардаги шаҳарларга йўлдош бўлган кичик шаҳарлар вужудга келиб, улар катта шаҳарларга қўшилиб боради ва шаҳарлар агломерациясини ташкил этади. Бир қанча агломерацияларнинг маъмурий бирикиши ўлароқ катта шаҳар (мегаполис)лар ташкил топганини кузатиш мумкин. Шу ўринда шаҳарликларнинг табиий ортиб бориши, ишлаб чиқариш иншоотлари, ишчилар ва аҳоли яшайдиган биноларининг кўплаб қурилишига эҳтиёж туғдиради. Бу ўз-ўзидан шаҳар артофидаги қишлоқликларга тегишли хўжалик ерлари, тураржой ҳудудларининг маъмурий мақоми, турмуш тарзи ўзгариши билан бирга кечади.

Дунё амалиётига кўра, шаҳар агломерациясини аниқлашда бир неча кўрсаткичларга таянилади. Улардан биринчиси – агломерация марказида яшовчи аҳолининг сони 100 минг киши ва ундан ортиқ бўлиши керак. Иккинчидан, шаҳарга унинг арофидаги ҳудудлардан етиб келиш учун сарфланадиган вақт бир ярим икки соатдан ортмаслиги керак. Учинчидан, агломерация ҳудудида аҳолиси эллик минг кишидан кам бўлмаган камида учта йўлдош шаҳарлар бўлиши керак деб белгиланган.

Аҳолининг этномаданий хусусиятлари ҳам агломерация жараёнига таъсир ўтказувчи омиллардан бири сифатида намоён бўлиши мумкин. Чунки аҳолининг муайян ҳудудга келиб жойлашиши, бундай жойлашиш натижасида табиий равишда, ҳаётий эҳтиёж туфайли вужудга келадиган нафақат ҳудудий, балки иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳам алоқалар муҳим аҳамият касб этади [16. Б. 45-51].

1991 йилда Совет Иттифоқи парчалангандан кейин Марказий Осиёда қишлоқ аҳолиси устун бўлган аграр-индустриал давлатлар пайдо бўлди. Марказий Осиёдаги шаҳарларнинг мақоми совет даврида шаклланган бўлиб, СССРнинг ягона иқтисодий мажмуаси манфаатларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш сиёсатининг манфаатлари доирасида белгиланган. Бундан ташқари, Термиз каби шаҳарларнинг мақоми, уларнинг турмуш тарзи ва ривожланиши шакл-шамойиллари биринчи навбатда сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқиб белгиланар эди. Оқибатда, Термиз шаҳри Совет армиясининг Марказий Осиёдаги стратегик базасига

айлантирилди. Шаҳар ҳаётининг барча соҳалари фаолияти ҳарбийлар фаолияти билан боғлиқ эди. Термизнинг “режимли ҳудуд” мақоми шаҳар тараққиётининг XX асрдаги бош омилига айланди. Унга кўра, шаҳарга келиб-кетиш қатъий чегараланган эди. Бунинг устига шаҳарда саноат корхоналарини қуриш деярли амалга оширилмас эди. Чекланган урбанизация шароитида шаҳарнинг кенгайиши, унинг жанубий Ўзбекистонда саноат ва маданият марказига айланиши мумкин эмас эди.

Умуман олганда, айрим тадқиқотчилар Совет Иттифоқида агломерацияларнинг йўқлигини қайд этишади [5. Б. 10]. Мазкур жараённинг бўлганлигини тан оладиган тадқиқотчилар унинг СССРда ўзига хослигини кўрсатишади. Агар дунёнинг етакчи мамлакатларида агломерациялар йирик аҳоли марказларидан аҳолининг шаҳар ташқарисига кўчиши натижасида юзага келган бўлса, СССРда агломерациялар мамлакатнинг турли бурчакларидан аҳоли оқимининг саноат ва бошқа фаолиятга жалб этилиш эвазига шаклланди [6. Б. 7].

Ўзбекистонда шаҳарсозлик маданиятининг ривожланиши ўзига хос тарздаги тарихий босқичларга бўлинган бўлиб, нафақат демографик, балки бир қанча ижтимоий-иқтисодий хусусиятларни ҳам ўз ичига олган ранг-баранглиқни кузатиш мумкин. Қадимий цивилизация бешиклари бўлган шаҳарлар билан бир қаторда Ўзбекистонда XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган шаҳарлар борки, бу юқоридаги фикрни далиллайди. Айниқса, XX асрнинг 80-йилларини оладиган бўлсак, Ўзбекистонда қишлоқларга нисбатан шаҳарлар сони ҳамда шаҳар аҳолиси нуфузининг ортиб бориш жараёни кузатилган. Масалан, 2000-йилларнинг бошида Ўзбекистонда 120 та шаҳар бўлиб, уларда 8249,3 минг киши яшаган. Бундан аҳолиси 20 минггача бўлган кичикроқ шаҳарлар сони 38 тани, 20 мингдан 100 минггача бўлган ўрта шаҳарлар 65 тани, 100 мингдан 500 минггача бўлган йирик шаҳарлар 16 тани ташкил этган [15. Б. 2].

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида жами шаҳарлар сони 119 тани ташкил этиб, аҳоли сони 100 мингдан ортган йирик шаҳарлар сони 17 та. Уларда соф шаҳарларга хос бўлган хусусият ва белгилар аниқ ифодаланган, ишлаб чиқариш, транспорт, ижтимоий инфратузилма юқори даражада тараққий этган, шу сабабли аҳолини ўзига жалб этади ва янада тез ўсади. Йирик шаҳарларда жами аҳолининг 20 фоизи, шаҳар аҳолисининг 45 фоизи мужассамланган. Мазкур шаҳарлар республика меҳнат тақсимотида ўзига хос ўрин эгаллаб, муайян функцияларни бажаради: вилоятларни бошқарувчи маъмурий марказлар, кўптармоқли саноат марказлари, муҳим транспорт тугунлари ҳамда илмий-маданий марказлар жойлашган. Мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг 53 фоизи, халқ истеъмол маҳсулотларининг 55 фоизи, пуллик хизматларнинг 52 фоизи катта ва йирик шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади [7. Б. 151–152].

Йирик шаҳарларнинг район ҳосил қилувчи ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларда йирик саноат ва қурилиш корхоналари, хўжалик бошқармалари, илм-фан ва маданият соҳалари муассасалари жойлашади, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, транспорт тугунлари шаклланади, ўз навбатида, уларнинг асосида шаҳарлар ривожланади, нафақат шаҳар, балки ўз атрофига ҳам хизмат кўрсатади, бошқа аҳоли манзилгоҳлари билан ишлаб чиқариш, меҳнат, ўқиш, дам олиш ва шу каби алоқалар билан боғланади, бу эса транспортнинг ривожланиши орқали амалга ошади. Ишлаб чиқариш алоқаларининг шаклланиши, иқтисодий районлар, аҳолининг турли мақсадлардаги алоқалари амалга оширилиши асосида аҳоли манзилгоҳларининг ҳудудий тизимлари шаклланади, унинг “ядро”сига айланади.

Вилоятни бошқарувчи маъмурий марказ асосида шаҳар агломерациясининг вужудга келишини Термиз шаҳар агломерацияси мисолида кўриш мумкин. Бу ҳудудий-урбанистик тизимда саноат, транспорт, маданият, илм-фан, электроэнергетика, қурилиш муассасалари жойлашган. Нафақат Термиз агломерациясини, балки бошқа агломерацияларни ривожлантириш борасида ҳам Ўзбекистон ҳукумати томонидан қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунда ҳар бир ҳудуд бўйича уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаган ҳолда, экспорт салоҳиятини кўтариш, кичик бизнес ва тадбиркорликка

шароит яратиш, энергетик ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, турмушни фаровон қилиш чораларини излаш, инвестицион жозибадорликни ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ошириш масалалари Ўзбекистон, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда намоён бўлмоқда.

Бундан шуни кўриш мумкинки, шаҳар агломерацияларини ривожлантиришга илмий жиҳатдан чуқур таҳлил асосида, мавжуд тажрибалардан сабоқ чиқарган ҳолда ёндашилмоқда. Бу республика даражасидаги шаҳарлар миқдорининг ошиб бориши, вилоятларда “сити” (шаҳарча)лар қуришга эътибор кучайишида кўринади. Мазкур жараён аҳолининг турмуш фаровонлигига, ўз ҳаётидан мамнун бўлиб, бахтиёр умургузаронлик қилишига қаратилган.

Мустақиллик йилларида Сурхондарёда шаҳар аҳолисининг аста-секинлик билан муттасил ўсиб бориши кузатилди. 2009 йилда Сурхондарё аҳолисининг 21,3 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, 2020 йилга келиб мазкур кўрсатгич 25,6 фоизни ташкил қилди. Вилоятнинг бош шаҳри Термиз аҳолиси табиий ўсиш ва миграция жараёнлари ҳисобига кўпайди. Бу икки омил шаҳар чегарасининг кенгайишига олиб келди.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида шаҳар аҳолиси табиий ўсиш ҳисобига кўпайди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бошқа ҳудудларга нисбатан Сурхондарёдаги оилаларнинг кўпчилиги кўпсонлидир. Ҳозирги даврда халқаро кўрсаткичларга биноан оилаларда оила аъзоларининг миқдорига кўра, кичик оилалар 2-4 кишидан, ўрта оилалар 5-6 кишидан, катта оилалар 7 ва ундан ортиқ кишидан иборат ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақиллик арафасида, яъни 1979–1989 йиллар давомида ҳар бир оилада ўртача 5,5 киши бўлган бўлса, бу кўрсаткич Сурхондарё шаҳарларида 6,6, қишлоқ жойларида 7,1 кишига тўғри келди.мСурхондарё вилояти умумий урбанизация кўрсаткичи Ўзбекистон Республикасида энг паст даражада бўлган [8. Б. 75]. Термиз аҳолиси 1989 йилда 82 минг кишини ташкил этарди. Мустақилликнинг дастлабки даврида шаҳар аҳолиси сони 100 мингдан ортиб, Термиз катта шаҳарлар қаторидан жой олди. Шаҳар бошқаруви олдида долзарб бўлиб турган асосий масалалар ва уларнинг ечимлари мазкур вақтдаги ижтимоий-сиёсий давр билан боғлиқ эди. Бу йилларда бозорнинг ички инфратузилмаси эндигина шаклланиб, хўжалик бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари ағдарилган, ўз навбатида марказлашган мустабид тузум режалаштириш ва тақсимот тизими барҳам топган давр эди. Шаҳарнинг кечиктириб бўлмас ечилиши керак бўлган асосий масалалари ҳам бор эди. Сир эмаски, иқтисодий омиллар шаҳар агломерациясини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи энг асосий куч ҳисобланади. Афсуски, мустақиллик арафасида шаҳар ташкилот ва муассасаларининг номланишида ўзгартириш бўлди, холос, аслида эса ишлаш принциплари ва бажариш функциялари эскилигича қолди. Мамлакатимизда шаҳарлашув процесси стратегияси тараққиётини кўп томонлама тармоқли иқтисодиёт, бозор муносабатларига тизимли ўтиш, хорижий мамлакат корпорациялари билан шерикчилик асосида фабрикалар қуриш ҳамда қутб ва марказларнинг юзага келиши таъминлайди. Мазкур сабаблар туфайли хам Термиз ҳудуди цивилизацияси стратегиясини қишлоқлар шаклига инновацион ёндашув характеридан келиб чиққан ҳолда фикрлаш, ўзаро икки томонлама фойда берувчи ҳамкорлик асосидаги унинг ҳар томонлама ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш зарур ҳисобланар эди. Буларни ҳисобламаганда ҳам, ҳозирги вақт шарт-шароити ҳам намунали кўринишга эга эмас. Биринчидан, мазкур ҳудудда меҳнат кучига яраша иш жойи етарли эмас, иккинчидан эса Термиз ҳудуди уни қабул қилиш учун мукаммал тайёр эмас. Етарлича меҳнат ўрни билан таъминловчи завод-фабрикаларнинг ортиб бориши билан бир вақтда сервис ва маиший хизмат кўрсатиш йўналиши тараққиёти ҳам бир қатор аҳамият касб этади. Тараққий этган мамлакатларда аҳолининг 65–70% и мазкур соҳаларда фаолият юритади. Термиз ҳудудида эса бу 12–17% ни ташкил қилади [9].

Кейинги йилларда Термизда субурбанизация жараёнларини кузатиш мумкин. Субурбанизация атамаси инглизча “suburb” сўзидан келиб чиққан бўлиб, йирик шаҳарлар

шаҳар чеккасига кўчириш жараёнига нисбатан ишлатилади. 2015–2020 йилларга келиб аҳоли сонининг ўсиши кўпроқ миграция жараёнлари билан боғлиқ бўлиб эди. Умуман олганда, аҳоли сонининг ҳудуд марказида тўпланиб бориши шаҳар агломерациясининг юқори фурсатларда тараққий этишига, турли маданий алоқалар билан қоришган ҳамда мураккаб ҳисобланмиш шаҳарга энг яқин аҳоли пунктлари – “Намуна”, “Чегара”, “Султон Саодат”, “Мангузар”, “Салават” ҳудудларининг шаҳар ҳудудига қўшилиб олинишига сабаб бўлди. Айнан бугунги вақтдаги урбанизация жараёнларининг характерли хусусиятларидан бири мисли кўрилмаган янгилик касб этган шаҳар агломерациясининг таркиб топиши бўлди. Шаҳарнинг ғарбий чегараси Эски Термиз ҳудудига, шарқий чегараси Сурхон дарёсига етди. 2021 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда шаҳар аҳолисининг сони 258,7 минг кишига етиб, бу кўрсаткич асосан аҳолининг демографик кўпайиши, миграция ҳамда яна бир омил – аҳолининг ўз хоҳиши билан шаҳарга яқин ҳудудларга кўчиб ўтиши сабабли ортиб борди. Якунда эса аҳоли сони бўйича зич бўлган шаҳар атрофидаги турли хил маҳаллалар шаклланишига олиб келди.

Охирги йиллар мобайнида юртимизни иқтисодий ҳамда ижтимоий юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ўзгартиришлар Термиз ҳудудини кўп томонлама тараққий эттириб, фуқаролар турмуш даражасини ривожлантиришга олиб келди. Мазкур ҳудудда жаҳон андозаларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш секторлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Ободонлаштириш ва қурилиш ишлари тизими ортиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маиший хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа долзарб тармоқлар моҳиятан ўзгариб бормоқда. Хусусан, 2019 йилга келиб саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳажми 758,3 млрд. сўмни ташкил этган, савдо-саноат маҳсулотларининг ҳажми 2020 йилда 1 трлн. 98 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда аҳоли жон бошига 5 млн. 946 минг сўмни ташкил этди. Ҳозирги вактда шаҳар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми бўйича вилоят ҳисобидаги улуши 19,8% ни ташкил этиб, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда юқори ўринда бормоқда. Қиймати бўйича 2021 йилда 48 млрд. сўмлик 7 та инновацион лойиҳани йўлга қўйиш ҳисобига саноат маҳсулотлари ҳажми 1 трлн. 207 млрд. сўмга етди.

2020 йилда пудратчилик ҳамда қурилиш ишлари хизмати 1 трлн. 264 млрд. сўм ҳисобида бажарилиб, вилоят бўйича улуши 28,1 % га, аҳоли жон бошига 6940,0 минг сўмга етиб боришига эришилди. 2021 йилда қурилиши режага киритилган 20 та юқори қаватли уй-жой ва янги тайёрланаётган лойиҳаларни ишга солиш асносида мазкур йўналишда бажариладиган ишлар ҳажми 1 трлн. 382,8 млрд. сўмга етиши мўлжалланган.

Энг юқори натижалар хизматлар соҳасида кузатилмоқда. Термиз шаҳри хизмат кўрсатиш соҳасида Сурхондарё вилоятида биринчи ўринни эгаллаб, 2020 йил якуни билан хизматлар ҳажми 3 трлн. 514 млрд. Сўмга (105,9%) бажарилди. Хизматлар ҳажмининг вилоятдаги улуши 42,8 фоизни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига 19,1 млн. сўмга тўғри келади [10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди [11. Б. 1–4]. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Термиз шаҳри иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари, меҳнат бозорининг самарадорлиги кўрсаткичлари, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари бўйича Сурхондарё вилоятида энг юқори баҳога эга [12. Б. 12]. Айни вақтда ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни ривожлантириш сифат кўрсаткичлари, маҳаллий солиқларнинг йиғувчанлик кўрсаткичлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлиги бўйича Термиз шаҳри вилоятда орқада қолмоқда.

Мустақиллик йилларида шаҳарда янги маъмурий, умумтаълим ва маданий объектларнинг жадал қурилиши Термизнинг Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси сифатида ривожланишига янги туртки берди, унинг жанубий региондаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини кенгайтирди. Термиз шаҳри том маънода Сурхондарё вилояти ижтимоий-маданий ва бошқа

асосий муассасаларнинг инфратузилмалари жойлашган илмий-маданий марказга айланди. Ҳозирги пайтдаги мавжуд ҳисоб-китобларга кўра, Термиз агломерация зонаси умумий аҳолиси 700 минг кишидан ортиқ 5 та туташ туманни ўз ичига олади [13. Б. 76]. Унинг уч мамлакат чегарасида жойлашганлиги мазкур агломерациядан истиқболда кўп нарса кутиш мумкинлигини англатади.

Келажакда идеал шаҳар кўрсаткичлари сифатида шинам ва қулай яшаш уй-жой устунлиги; аҳолини ташқи хавф-хатарлардан сақлаш; яшаш учун қулай бўлган экологик вазият; қарор қабул қилиш жараёнида бошқарув органларида кўпчилик ва озчилик аҳоли ўрнини ҳисобга олиш; қулай ҳаётни таъминловчи инфраструктура объектларининг етарлича мавжудлиги; транспорт тизимида аҳоли автомобиллари сонининг ўсиши тенг ривожланмоқда; аҳолининг фаровон турмушини ташкил этиш учун унинг хусусиятларини, дифференциациялаштиришни ҳисобга олишни мезонлар сифатида қабул қилиш мумкин. Ўзбекистонда уларни татбиқ этишда амалий ишлар режаси ишлаб чиқилган. 2030 йилга бориб жаҳон Глобал инновация индекси рўйхатида 50 та юқори рейтингга эга мамлакатлар орасидан Ўзбекистоннинг жой олиши асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясига кўра, мамлакатда “Ақлли шаҳар” концепциясини жорий қилиш режалаштирилмоқда. Мазкур концепцияни амалга оширишдан мақсад замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиб, мамлакатимизнинг турли минтақаларида кичик саноат ҳудудлари ва инфраструктураларни ривожлантириш ҳисобланади. Концепция доирасида ақлли транспорт, электрон милиция, хавфсизлик тизими, электрон таълим, электрон соғлиқни сақлаш, ақлли энергетика ва сув таъминоти каби йўналишлар инновацион тизимда фаолият юритиши режалаштирилган [14. Б. 100].

Адабиётлар:

1. *Асқаров А.* Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 24 б.
2. *Мирзаев Дж.З*. Город на перекрестке великих дорог: история, идеология и культура. // «История и современность Великого Шелкового пути: социально-культурные, исторические, политические и экономические аспекты развития». Материалы научной конференции, организованной Ташкентским Государственным институтом востоковедения, Кембриджским Университетом и международным проектом INSPIRE Британского Совета. –Ташкент, 2013. – С. 197–201.
3. *Мирзаев Ж.З.* Термиз мустақил Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси. Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар. – Тошкент: А.Қодирий нашриёти, 2001. – 217 б.
4. World Urbanization Prospects: [Electronic resource] URL: http://www.un.org/ (Мурожаат этилган сана: 23.03.2021)
5. *Бон Т.М.* «Минский феномен». Городское планирование и урбанизация в Советском Союзе после Второй мировой войны. – Москва: Российская политическая энциклопедия, 2013. – 416 с.
6. *Лаппо Г.* Городские агломерации СССР-России: особенности динамики в XX в // Российское Экспертное Обозрение, 2007. – № 4-5 (22). – С.6–8.
7. *Таштаева С.К.* Йирик шаҳарлар ва уларнинг район ҳосил қилувчи роли // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 46-жилд. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2015. – Б. 151–154.
8. *Солиев А., Назаров М.* Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). – Тошкент: Fan va texnologiya, 2009. – 212 б.
9. Термиз шаҳар ҳокими халққа мурожаат этди. https://dunyo.news/uz/news/uza-termiz-shaar-okimi-khala-murozhaat-etdi-5fd1f38d5e675 (Мурожаат этилган сана: 24.03.2021).
10. Termiz shahar hokimi xalqqa murojaat etdi. uza.uz/ru/posts/termiz-shahar-hokimi-xalqqa-murozh...urozhaat-etdi_193245 (Мурожаат этилган сана: 24.03.2021).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда ПҚ-4702-сон “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори. https://lex.uz/docs/4803531 (Мурожаат этилган сана: 24.03.2021).
12. *Асадов Х.С.* Как развиваются регионы Узбекистана. // “Бюджет”, 2021. – № 1. URL:

http://bujet.ru/, http://online.b-uchet.ru/subscription. (Мурожаат этилган сана: 24.03.2021).

13. *Саидахматов Ш.Т.* Аналитические записки и брифы ЦЭИ. 2011. – № 6. https://rucont.ru/efd/192386 (Мурожаат этилган сана: 20.03.2021).

14. *Саидахматов Ш.Т.* Урбанизация ижтимоий жараён сифатида: тарихшунослик таҳлили. // FarDU. Ilmiy xabarlar – Научный вестник, 2021. – №1. – Б. 95–101.

15. Қомус. Урбанизация. Электрон ресурс. (Мурожаат этилган сана: 24.03.2021). https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/urbanizatsiya-uz/ (Мурожаат этилган сана: 24.03.2021)

16. *Назарова Ф.У.* Агломерациялар ривожланишини таҳлил қилишнинг услубий масалалари. // Минтақавий иқтисодиёт/Региональная экономика. Б.45-51. https://cyberleninka.ru/article/n/aglomeratsiyalar-rivozhlanishini-ta-lil-ilishning-uslubiy-masalalari/viewer (Мурожаат этилган сана: 24.03.2021)

PROBLEMS OF TERMIZ CITY AGLOMERATION IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

Sh.T. Saidahmatov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). *51-58.*

[1]Termez State University, Termez, 190111, str. Barkamol avlod 43, (Uzbekistan). E-mail: termizuniversiteti@umail.uz

Keywords: urbanization, agglomeration, economy, Termez, Surkhandarya.

In the development of society, the process of urbanization accelerated in the twentieth century, and as a result of its expansion and deepening, the agglomeration phase of urban development by the beginning of the XXI century caused problems that were not on the agenda before. The article analyzes the features, indicators and factors of the formation of urban agglomeration as a result of the rapid development of urbanization in our country on the example of Termez, the results of economic development of the city and its role in Surkhandarya region.

The city is a symbol of its time in any time and place, embodying the achievements and shortcomings of socio-political processes, economic development and culture, as well as all spheres. Therefore, the role and contribution of cities in the study of historical and modern processes of social development is of particular importance.

Uzbekistan has long been one of the centers of urbanization, on the territory of which in the II millennium BC there appeared the first city - Jarqo'ton. Its historical successor, Termez is the center of the Surkhandarya region, one of the cities of Uzbekistan that has remained unchanged since ancient times. During the years of independence, Termez has become the southern gateway to Uzbekistan, which is entering a new stage of development.

Currently, the Republic of Uzbekistan ranks 130th in the world in terms of urbanization, but the modern features of the urbanization process are reflected in our country. The formation of urban agglomeration in southern Uzbekistan on the basis of the administrative center can be seen in the Termez urban agglomeration. The city of Termez became a strategic base of the Soviet army in Central Asia. The activities of all spheres of city life were related to the activities of the military. Termez's status as a "regime zone" has become a key factor in the city's development in the 20th century. During the years of independence, the population of Termez has increased due to natural growth and migration. These two factors led to the expansion of the city boundary. In Termez we can observe the processes of suburbanization in recent years. The large concentration of population in the administrative center led to the rapid development of the urban agglomeration, the annexation of settlements closes to the city - Manguzar, Chegara, Salavot, Namuna, Sultan Saodat and others. The current Termez agglomeration zone includes 5 adjacent districts with a total population of more than 700,000 people. Its location on the border of the three countries further reinforces the bright future of this agglomeration.

References:

1. Asqarov, A. (2001) *Eng qadimgi shahar* [The oldest city]. Tashkent: Ma'naviyat.

2. Mirzaev, Dzh. Z. (2013) Gorod na perekrestke velikih dorog: istoriya, ideologiya i kul'tura [A city at the crossroads of great roads: history, ideology and culture]. «*Istoriya i sovremennost' Velikogo Shelkovogo puti: social'no-kul'turnye, istoricheskie, politicheskie i ekonomicheskie aspekty razvitiya*». Materialy nauchnoj konferencii, organizovannoj Tashkentskim Gosudarstvennym institutom vostokovedeniya, Kembridzhskim Universitetom i mezhdunarodnym proektom INSPIRE Britanskogo Soveta. Tashkent. Pp.197-201.

3. Mirzaev, Dzh.Z. (2001) *Termiz mustaqil Ozbekistonning Janubij darvozasi* [[Termez is the southern gate of independent Uzbekistan]. Tashkent: A.Qodirij nashriyoti.

4. *World Urbanization Prospects* [Online]. URL: http://www.un.org/ (date of access: 23.03.2021)

5. Bon, T.M. (2013) "Minskij fenomen". Gorodskoe planirovanie i urbanizaciya v Sovetskom Soyuze posle Vtoroj mirovoj vojny [Minsk Phenomenon'. Urban planning and urbanization in the Soviet Union after World War II]. Moscow: Rossijskaya politicheskaya enciklopediya.

6. Lappo, G. (2007) Gorodskie aglomeracii SSSR-Rossii: osobennosti dinamiki v HKH Urban agglomerations of the USSR-Russia: features of dynamics in the twentieth century]. *Rossijskoe Ekspertnoe Obozrenie*. No 4-5 (22). Pp.6-8.

7. Tashtaeva, S.K. (2015) Yirik shaharlar va ularning rajon hosil qiluvchi roli [Major cities and their role in the formation of the region]. *O'zbekiston Geografiya jamiyati axboroti* [Information of the Geographical Society of Uzbekistan]. Collection of scientific articles. Vol. 46. Pp. 151-154.

8. Soliev, A., Nazarov, M.(2009) *O'zbekiston qishloqlari* (Qishloq joylar geografiyasi) [Villages of Uzbekistan (Geography of rural areas)]. Tashkent: Fan va texnologiya.

9. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 1 mayda PQ-4702-son "Hududlarni izhtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni reyting baholash tizimini joriy etish to'g'risida"gi qarori* [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 1, 2020 No PP-4702 'On the introduction of a rating system of socio-economic development of the regions']. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/4803531 (date of access: 24.03.2021).

10. *Termiz shahar hokimi xalqqa murojaat etdi* [Termez city governor addressed the people]. [Online]. URL: uza.uz/ru/posts/termiz-shahar-hokimi-xalqqa-murozh...urozhaat-etdi_193245 (date of access: 24.03.2021).

11. *Termiz shahar hokimi xalqqa murojaat etdi* [Termez city governor addressed the people]. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/4803531 (date of access: 24.03.2021).

12. Asadov, H.S. (2021) Kak razvivayutsya regiony Uzbekistana [How are the regions of Uzbekistan developing]. *Byudjet*. No 1. [Online]. URL: http://bujet.ru/, http://online.b-uchet.ru/subscription. (date of request: 24.03.2021).

13. Analiticheskie zapiski i brify CEI (2011) [CER analytical notes and briefs]. No 6. Pp. 34-37.

14. Saidahmatov, Sh.T. (2021) Urbanizatsiya ijtimoiy jarayon sifatida: tarixshunoslik tahlili Urbanization as a social process: a historical analysis]. FarDU. Ilmiy xabarlari. No 1. Pp. 95-101.

15. *Qomus*. Urbanizasiya. [Online]. URL: https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/urbanizatsiya-uz/ (date of access: 24.03.2021).

16. Nazarova, F.U. Aglomeratsiyalar rivojlanishini tahlil qilishning uslubiy masalalari // *Mintaqaviy iqtisodiyot/Regionalnaya ekonomika*. P.45-51. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/aglomeratsiyalar-rivozhlanishini-ta-lil-ilishning-uslubiy-masalalari/viewer (date of access: 24.03.2021).

Муаллиф ҳақида маълумот:

Саидаҳматов Шарифбек Тоштемирович – Термиз давлат университети қошидаги академик лицей директори, мустақил изланувчи. E-mail: sh_saidaxmatov@mail.ru